

ИМТИҲОН



20:54 / 29.05.2018 4414

Фоний дунё ҳаёти имтиҳондан иборат экани ҳақидаги ҳикмат кўпчиликка маълум. Шундай экан, имтиҳондаги саволлар мураккаблиги жиҳатидан бир хил эмас. Дунёвий дорулфунундаги имтиҳонда осонроқ савол тушса, «омадим келди», деб қувонадилар. Қийини тушса, ғашланиб, пешоналарини тириштирадилар. Билим даражасини белгиловчи устоз саволларнинг осон-қийинлигига ҳам, албатта, эътибор беради. Яъниким, қийин саволнинг жавоби юқорироқ таҳсинга лойиқ бўлади. Ҳаёт имтиҳони ҳам шундай. Кимдир намоз фарз қилинган ёшдан, балки ундан-да эртароқ саждага бош қўяди. Демак, Аллоҳ унга ва уни тўғри йўлда тарбия қилаётган ота-онаси, устозига улуғ неъматларидан берибди. Эҳтимол, Фирдавс боғлари насиб бўлишини ирода этибди. Нуфузли олий ўқув юртига кириш ва ўқиш давомидаги имтиҳонлар бошқаларига нисбатан оғирроқ бўлганидек, жаннатнинг олий боғларига кириш, пайғамбарлар,

валийлар...га берилган неъматларга эришиш имтиҳони ҳам шунга яраша бўлади. Яъни сабр имтиҳони, шукр синови, ташвишларни енгиб ўтишдаги ишонч, ғайрат, шижоат... имтиҳоналари ҳам оғирроқ бўлади.

Жума намозларида айрим ёшлар фарзни ўқибоқ туриб кетадилар. Таровиҳ намозларида саккиз ракат билан чекланадилар. Бу уларнинг ихтиёри, гуноҳкор, деб айблай олмаймиз. Лекин укаларимиз ҳар бир ишнинг афзали, кўпи яхшироқ эканини англаганлари дуруст эди. Имтиҳонда устоз жавобдан тўла қаноатланмади ва дедик: «Жавобингиз тўрт баҳога (ёки аълога) тортмай турибди, битта қўшимча савол бераман, тўғри жавоб қайтарсангиз, тўрт (ёки беш) қўяман». Суннат ва нафл намозлари бандани юқори баҳолар билан таъминлайди. Қиёматда банда Роббиси томонидан «Мен жума кунида икки ракат намозни фарз қилиб эдим, нега суннатни ўқиб, ибодатни кўпайтириб юбординг?» деб айбланмаса керак. Балки, «Жума куни ҳеч қаерга шошмаётган эдинг, масжидга – Менинг уйимга келиб, қўшимча намоз билан дилингни янада роҳатлантирганинг яхшироқ эмасмиди? Бошқалар суннат намозини ўқиб, Мен билан бўлаётган учрашувларини давом эттириб, қалблари янада ҳузурланаётганида сен кўчада туриб нима манфаат топдинг?» – дейилмасмикин, валлоҳу аълам?! Қиёматда бундай маломат эшитишимиздан олдин бугун бу саволни ўзимиз ўзимизга бериб, ўзимизни ислоҳ қила олсак нақадар яхши!!! Энг оғир имтиҳонларнинг энг мураккаб саволларига аъло даражада жавоб бера олишимиз учун шундай қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бизлар ҳам «ад-дунё явмун ва лано фийҳо совмун» – дунё бир кундек ва биз унда рўзадормиз, дея олувчилар қаторида бўлсак эди...

Тоҳир Малик «**Меҳмон туйғулар**» китобидан